
“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да

Ўзбекистоннинг Инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун Давлат хизматлари марказлари орқали инвесторлар учун кўрсатилган давлат хизматлари, шунингдек ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган инвесторларга малакали хуқуқий маслаҳатларни берилишини ташкил этиш мақсадида, Фарғона тумани Давлат хизматлари маркази орқали жорий йилда тумандаги “FERGANA FRANCE” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона, “VODIY SHOES” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона, “BAXODIR LOG'ON TEKSTIL” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ҳам “ЕКОКЕРАМА” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиб, янги ишчи ўринларини яратиш борасидаги фаолиятларида, давлат хизматларини марказининг тезкор ва сифатли хизматлари айти пайтда инвесторларнинг асосий кўмакчисига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда юқоридаги корхоналар томонидан жами 40 603 000 АҚШ доллари ҳисобидаги инвестицияларни жалб қилган ҳолда қўшимча 840 та янги ишчи ўринларини яратилди.

“BAXODIR LOG'ON TEKSTIL” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбари Ёрматов Зиёвуддин Илмидиновичнинг таъкидлашича, қўшма корхонанинг фаолият юритишда яъни давлат рўйхатидан ўтишда, бино ва иншоотларни қуришда ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича Давлат хизматлари марказининг ўрни беқиёс бўлганлиги ва чет эл таъсисчилари ҳам Ўзбекистондаги бундай тезкор хизмат тизими жорий этилганлиги, таъсисчиларнинг ишончига сазовор бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

Мухтарам Президентимиз томонидан 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантириш йили” деб номлашлари, Давлат хизматлари марказлари томонидан ҳам кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш ва бунинг натижасида инвесторлар учун ҳамкорлик ва имкониятлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “ Халқ қачон биздан рози бўлади, қачонки уларнинг қалбига қулоқ солсак, муаммоларини бартараф этишга ёрдам берсакгина, уларнинг раҳбарга, Давлатга бўлган ишончи ортади, биздан рози бўлади” деганлари, халқимизнинг тадбиркорлик йўналишида олиб бораётган сайи ҳаракатларига амалий ёрдам ва халқ розичилигини олишда асосий меъзон бўлиб хизмат қилади.

2019-06-03 16:50:40